



# Омӯзгор

иҷтимоий-маърифий журнал

30-сон 2019/1441



# Омниа

электрон журнали

**Бадиий раҳбар:**

Одинахон МУҲАММАД СОДИҚ

Электрон манзил:  
[muslimaat@islom.uz](mailto:muslimaat@islom.uz)

**Ҳайъат аъзолари:**

Мадина Джураева  
Азиза Жалолиддинова  
Муҳайё Муҳаммад Юсуф  
Оиша Ҳусанова  
Гулшода Аллоқулова  
Адолат Ҳусанова  
Зарнигор Аҳмадалиева

**Муҳаррир:**  
Барно САИДРАҲМОН

**Дизайнер:**  
Рухсора АЗИЗОВА



# Исрө ۋا مەءروجى سافارى

**Н**абавий рисолатнинг 10-йили Расулуллоҳ соллаллоҳу алай-хى васалламга маҳзунلىклар олиб келди. Макка у зот ва аҳллари учун торлик қила бошлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхى васаллам маккалик кофиirlар, мушриklar уларни тинч қўймаслигини, балки даъватларига қарши турли қийнов усулларини ўйлаб топишини ҳис қилдилар ваトイфга сафар қилишга қарор қилдилар. Мақсадлари бу шаҳар аҳолисига янги динни танитиш, унга даъват қилиш эди. Лекинトイфликлар у зот соллаллоҳу алайхى васалламни жуда ёмон қарши олишди: масхара қилишди, болалар ва хизматкорларiga у зотни тошбۇron қилдириشди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхى васаллам ўз юртларида икки оғир жудоликка учраган эдилар. Яъни бир

тарафдан қурайшликларнинг азият-ларидан ҳимоя қилувчи, зиммалари га юклانган вазифани адo этишларида ёрдамчилари бўлмиш амакиларининг вафоти, иккинchi тарафдан эса у зотга энг биринчи бўлиб иймон келтирган, энг қийин кунларида ёnlарида турган аёллари Хадийжа бинт Хувайлид розияллоҳу анҳонинг вафоти сабаб маҳзун эдилар.トイфликларнинг бу хатти-харакатлари эса у зотнинг қалбларига янада кучли озор етказди. Набий соллаллоҳу алайхى васалламни барча тарафдан ўраб олган қийинчиликлар ортидан Аллоҳ таоло у зотга Исрө ۋا مەءروجى سافارини тақдир қилди. У зот алайхиссаломни дард-alamлардан қутқариш, ташвишларини аритиш учун, у зотга тасалли бериш, самимиятни изҳор қилиш учун, шу билан бирга, ҳақقا даъват қилувчи одам

қийинчилик ва түсиқларга учраши табиийлигини эслатиш учун шундай қилди. Лекин Аллоҳ таоло у зотдан рози эканлиги, у зотни яхши күриши шубҳасиз эди. Ер ва унинг ахли Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга торлик келтиргани билан, само ва унинг ахли у зотга кенглик яратади, яхши күради ва доимо интиқ бўлади.

«Исрө» сўзининг луғавий маъноси «кечаси сафар қилиш»дир.

Шариатда эса Аллоҳ таолонинг амри ила Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кечаси Буроққа миниб, бир зумда Маккаи Мұкаррамадан Байтул Мақдисга сафар қилгандиклари тушунилади.

«Меъроj» сўзи луғатда юқорига кўтарилиш деган маънони англатади.

Шариатда эса Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Байтул Мақдисдан Сидратул Мунтаҳога, Аллоҳнинг ҳузурига кўтарилишларига айтилади.

Бу ишлар у зотни шарафлаш, даражаларини кўтариш, ўша йили бошлирига тушган қайғу ва мусибатлари сабаб тасалли бериш учун қилинди.

Исрө ва Меъроj ҳодисаси тафсилоти ҳақидаги баъзи нарсалар Қуръони Каримдаги иккита сурада – Исрө ва Нажм сураларида ворид бўлган.

Исрө ва Меъроj ҳақида ўнлаб ҳадислар ривоят қилинган. Улардан бирида, яъни ўша кечанинг баёни келган узун ҳадисда воқеалар қўйидаги кетма-кетлиқда келтирилган: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ухлаб ётганларида бир неча фаришталар келиб, уйғотдилар. Юракларини суғуриб олиб, замзам суви билан ювдилар ва покладилар, ҳикмату иймонга тўлдирдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга хачирдан кичикроқ, эшакдан каттароқ оқ улов – Буроқ келтирилди. Унга миндилар. Буроқ

ўзининг назари тушган жойга тез етиб бораради. У Байтул Мақдисга етди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Масжидул Ақсога кирдилар. Барча пайғамбарлар ўша ерда эдилар. Улар билан икки ракъат намоз ўқидилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтиб чиққанларида Жаброил алайҳиссалом у зотга танлашлари учун шароб ва сут солинган икки қадаҳни тутдилар. Набий алайҳиссалом сутни танладилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссалом билан бирга самога кўтарилидилар ва биринчи эшикнинг очилишини сўрадилар. Эшик очилиб, унда Одам алайҳиссалом Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни хуш кутиб олдилар. Жаброил алайҳиссалом иккинчи эшикнинг очилишини сўрадилар. Эшик очилди. У ерда Ийсо ва Яхё алайҳиссаломларни кўрдилар. Улар ҳам яхши кутиб олдилар. Шундан сўнг Жаброил алайҳиссалом барча эшикларнинг очилишини сўрадилар. Учинчи осмонда Юсуф алайҳиссалом, тўртинчи осмонда Идрис алайҳиссалом, бешинчисида Ҳорун алайҳиссалом, олтинчи осмонда Мусо алайҳиссаломни кўрдилар. Сўнгра еттинчи осмонга кўтарилидилар. У ерда “Байтул Маъмур”га суюнган ҳолда турган Иброҳим алайҳиссаломни кўрдилар. “Байтул Маъмур” шундай бир уики, ҳар куни унда етмиш минг фаришта намоз ўқийди. Улар чиқсалар, унга қайтиб келмаслар. Уларнинг охири кўринмайди. Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам “Сидратул мунтаҳо”га етиб бордилар. Унинг гўзаллигини ҳеч ким васф қилиб бера олмайди. Уша ерда Аллоҳ таоло эллик маҳал намозни фарз қилди. Сўнгра Аллоҳ таоло бандаларига енгиллик қилди, бир кеча-кундуз учун беш мартага

туширилди.

Исро ва Меърож воқеасида бир қанча ибрат ва далолатлар бор:

– Икки масжид – Масжидул Ҳаром ва Масжидул Ақсо орасидаги боғлиқлик. Бу Мажидул Ақсонинг мұхим манзил эканига, мусулмонлар унга әътиборли бўлишлари кераклигига далолат қиласи.

– Исро ва Меърож сафари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бошларига оғир мусибат тушиб, ғамга ботган ва инсонларни Аллоҳга, ҳақ динга чақираётган пайтларида воқе бўлди. Бу Аллоҳ таолога чақиравчи киши сабр-қаноатли бўлиши ва Аллоҳ таолодан улкан савоб ва ажрни умид қилиши лозимлигига далолат эди. Албатта, Аллоҳ таоло бандасининг саъй-ҳаракатларини зое қилмайди, балки улкан савоблар билан мукофотлайди ва Ўзининг ҳузурида юқори даражага кўтаради.

– Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Байтул Мақдисда барча пайғамбарлар билан намоз ўқишлари самовий риссолатнинг барчаси ягона эканлигига, бир буюк ғоя билан, яъни Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг ягоналиги ҳақидаги ғоя билан туширилганига далолат қиласи. Ислом ана шу барча динларнинг мукаммал кўринишидир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мұхаммаднинг жони қўлида бўлган Зот билан қасамки, ушбу умматдан бирортаси – яхудийсими, насронийсими, менинг ҳақимда эшитса-ю, сўнгра менга юборилган нарсага иймон келтирмай ўлиб кетса, албатта дўзах эгаларидан бўлади», дедилар».

– Ушбу улуғ сафарда беш маҳал намознинг фарз қилиниши намознинг

ўрни ва аҳамиятига далолат қиласи. Унинг самода фарз қилингани, қаламнинг ғичирлаган товуши эшитилгани ва эллик маҳал намоз буюрилиб, кейин енгиллатиб, беш маҳалга туширилгани ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, диннинг мақсади бўлган улуғ фарзлардан эканлигининг исботидир.

Бу улуғ сафар мўминлар учун қуйидаги хушхабар ва огоҳлантиришларни ўзида жамлаган:

– Иброҳим алайҳиссалом Расууллоҳу соллаллоҳу алайҳи васаллам билан кўришганларида биз, умматларига салом йўлладилар.

– Расууллоҳу соллаллоҳу алайҳи васаллам жаннатнинг гўзаллиги ва ундаги неъматларнинг хабарини бердилар.

– Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам умматлари орасидан азобланадиган тоифаларни кўрганлари ҳақида хабар бердиларки, токи умматлари дўзахга олиб борувчи амаллардан, гуноҳ ишлардан нафратлансинлар...

Исро ва Меърож Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларига таскин, маҳзун ҳолатларидан чиқишилари учун туртки бўлди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Исро ва Меърож орқали Аллоҳ таоло Мұхаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам оддий йўлбошли эмас, анбиёлар жамоасининг аъзоси эканликларини эълон қиласи. Шунингдек, у зотнинг баъзи давлатлар ёки баъзи халқлар учун курашадиган бошлиқ эмас, балки самовий таълимот орқали бутун инсониятни икки дунё саодатига бошловчи хотамул анбиё эканликларини эълон қиласи.

“Ҳадис ва Ҳаёт” туркумининг 19-жузи ва “mawdoo3” нашри манбалари асосида тайёрланди

# Киши сүйгәнләри билин

*Сүйгәнләр*

*А*бдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:  
«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Бир қавмни яхши кўрган ва уларга етиша олмаган одам ҳақида нима дейсиз?» деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Киши сүйгәнләри билан биргадир», дедилар».**

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдаги «уларга етиша олмаган» жумласини икки

хил тушуниш мумкин. Бири «уларга бориб қўшила олмаган», иккинчиси «улар қилган яхши амалларга амал қила олмаган» бўлиши мумкин. Аммо ҳар иккисида ҳам ўша қавмга бўлган муҳаббат ўз эгасининг ўзи муҳаббат қилган қавмларга бориб қўшилишига сабаб бўлар экан.

Ким яхшиларни яхши кўрса, уларга қўшиб қайта тирилтирилар экан. Ким ёмонларни яхши кўрса, улар билан бўлар экан. Шунинг учун доимо мўмин-мусулмон ва тақвадорларга муҳаббат қўйиш лозим.



# МУСЛИМА АЁЛНИНГ ПОЙАБЗАЛИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ЛОЗИМ ?



Пойабзал – кишилар оёғига кийиб юрадиган, уни ернинг қаттиқлигидан, тиканлардан ва шу каби азиятлардан сақлайдиган либос. Уни ибтидоий одамлар оёқларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиро қилишган. Уларнинг пойабзали ўсимликлардан тўқиб ясалган чориқ, теридан тикилган ёки ёғочни йўниб ишланган шиппакдан иборат бўлган. Чармдан бўлган пойабзаллар биринчи марта қадимги маданият ўчоғи ҳисобланган Мисрда ишлаб чиқарилган.

## Пойабзал кийишнинг ҳукми

Ҳадиси шарифлар, шунингдек, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан содир бўлган амалларнинг барчаси у зотнинг доимо пойабзал

кийиб юрганлари ва бошқаларни ҳам бунга ундағанларини исбот қиласди. Оёқقا нарса кийиб юриш аслида мубоҳ бўлса-да, кўп таъкидланганидан ҳатто мустаҳаб даражасига етган.

## Пойабзал кийишга тааллуқли ҳукмлар

- Бирор узрли сабабсиз бир пой оёқ кийимда юриш макруҳ. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирортангиз ҳам бир пой ковушда юрмасин. Унинг иккаласини ҳам ечсин, ёки иккаласини кийиб олсин», дедилар.

- Пойабзални тик туриб кийиш макруҳ ҳисобланади. Абу Ҳурайра

розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам пойабзални тик турган ҳолда кийишдан қайтардилар».

3. Маҳси ва қавушларни қоқмасдан кийиш макруҳ. Расууллогох соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, маҳсисини қоқмасдан киймасин», дедилар.

Агар уларнинг ичида бирор зараркунанда йўқлигини аниқ билса, қоқмасдан кийишнинг зарари йўқ. Бу ҳадиси шариф анчадан буён кийилмай турган пойабзалга нисбатан айтилган бўлиши мумкин. Валлоҳу аълам.

4. Аёлларнинг юрганда овоз чиқарадиган пойабзалларни кийиши макруҳ. Чунки бу яҳудийларнинг ишларидан ҳисобланади.

### **Баланд пошнали аёллар пойабзалининг ҳукми**

Бугунги кунда аёллар модага эргашиб ёки бошқа қандайдир мақсадларда баланд пошнали пойабзаллар кийишга одатланиб қолиши. Хўш, бу борада шариат нуқтаи назари қандай?

Ушбу шаръий қарашларни баён этишдан олдин баланд пошнанинг саломатликка таъсири ва зарарларини тиббий жиҳатдан ўрганиб чиқамиз. Шунда унинг нима сабабдан шариатимизда қораланганини тушуниш осонроқ бўлади.

Шифокорларнинг айтишича, баланд пошна кийиш иккита хавфли касалликни келтириб чиқаради: болдир пайларининг тортишиб қолиши – отосклероз ва умуртқа поғонасининг қийшайишига, натижада бачадоннинг ўз жойидан кўчишига олиб келади.

Қон-томир жарроҳлик амалиёти бўйича маслаҳатчи мутахассис, доктор Муҳаммад Имомнинг айтишича, баланд пошнали оёқ кийимлар яссиоёқлик, тизза ва болдир сүякларининг ёрилиши ҳамда қаттиқ оғриши, умуртқа поғонасининг қийшайиши, тоғайларнинг

емирилиши каби касалликларни келтириб чиқаради. Агар аёллар буни чиройли ва хушбичим кўриниш мақсадидагина киядиган бўлса, ўзи ҳам билмаган ҳолда гўзал қоматини бузиб қўйиши мумкин.

Баланд пошнали оёқ кийими инсон танасидаги ҳар бир аъзога ўзининг зарарли таъсирини ўтказади. Оёқдаги қадам қисмининг қийналишига, унда оғрикли қадоқлар пайдо бўлишига, болдир мушакларининг тортишиб қолишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида оёқ бармоқлари териси кўчиб, замбуруғ пайдо бўлишига замин яратади.

Ушбу сабаблардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, агар бундай оёқ кийимни кийиш натижасида жисм саломатлигига зарар етиши аниқ бўлса, аёлларнинг баланд пошнали пойабзал кийиши макруҳ. Бунинг устига, агар аёл бегона назарларни тортиш ва ўзини кўз-кўз қилиш ниятида кийган бўлса, макруҳи таҳримийга айланади. Чунки Аллоҳ таоло: «Илгариги жоҳилиятнинг очиқ-сочиқлиги каби очиқ-сочиқ юрманг», дея аёлларни огоҳлантирган.

Агар ушбу пойабзални алдов мақсадида, масалан, совчиларга баланд бўйли, сарвқомат бўлиб кўриниш мақсадида кийилса, бу ҳолда ҳаром ҳисобланади. Бундан ташқари, бигиз пошнали оёқ кийимда аёл йиқилиб тушиши ва соғлиғига жиддий зарар етиб қолиш хавфи ҳам бор.

Бўйи паст бўлган қизлар аввало ўзларига бўлган ишончни оширишлари, узун бўлмасалар ҳам, ўзларини келишган ва хушбичим деб ҳисоблашлари лозим. Асло ёлғон илиа руҳиятларини булғамасинлар. Албатта, баланд пошна билан узун кўринишга уриниш ёлғон ва муноғиқликка олиб келади. Бу эса покиза ахлоққа зарар етказиб қўйиши аниқ .

**Зебунисо ҚУТБИДДИН қизи  
таржимаси**

# Сиз Аллоҳ сиз учун истаган ҳолдасиз

Бугунги кунда вақтни тўғри тақсимлаш, қиласиган ишларни аввалдан режалаштириш киши ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, бу нарсалар муваффақиятга эришишнинг жуда самарали воситасидир. Бироқ ҳамма нарсада бўлгани каби, бу масалада ҳам меъёрни билиш муҳимдир.

Режалар тузиш ўзимнинг ҳам ҳар куни албатта вақт ажратадиган муҳим ишларимдан бўлиб келган. 15 ёшлигимдан бошлаб қилишим керак бўлган ишлар ва уларнинг бажарилиш вақтлари ёзилган кундалигим бўлар эди. Лекин вақт ўтиб, ҳамма ишлар ҳам менинг режамдагидек бўлмаслигини англайдиган ёшга етдим. Ҳамма нарсани ҳам режалаштириб

бўлмаслигини тушундим. Биз ўзимизча режалар тузамиз, амалга ошира олмаганимизда эса Аллоҳнинг ҳам биз учун “режалари” борлигини унутиб, тушкунликка тушамиз.

Қизиғи шундаки, биз муваффақиятни, севиб-севилишни, бойлик ёки илм орттиришни режалаштирамиз. Хафагарчилик, муваффақиятсизлик, ютқазиш каби нохуш нарсалар ёки тузган режамизнинг бирор сабаб туфайли барбод бўлиши, табиийки, бизнинг режамизда бўлмайди. Натижада ўзимиз истаган нарсадан бутунлай бошқача ҳолатга дуч келамиз.

Инсон ҳамма нарса ўзининг назорати остида бўлишини ёқтиради. Лекин ҳолат ундей эмас. Ҳамма нарса Аллоҳнинг назорати остида.

Хәётимизда қаерда, қай ҳолатда бўлишимизни биз назорат қила олмаймиз. Атрофимиизда йиллаб фарзанд кўрмаётган оиласалар бор. Бу – улар хоҳлаган, режа қилган нарса эмас, балки бу – Аллоҳ улар учун хоҳлаган нарса. Инсонлар қўл билан кўрсатиб, айлашга уста. Бир йигит уйланишни кечиктираётган бўлса, бу ўзи шуни режа қилгани учун эмас, балки Аллоҳ шуни хоҳлаётгани учун бўляпти.

Баъзан йўлимиздан бирор тўсиқ ёки ташвиш чиқиб қолса, дарҳол ўзимизни йўқотиб қўямиз. Чунки бу режамиизда йўқ эди. Яъни биз режамиизга мувофиқ бўлмагани учун Аллоҳнинг «режаси»га (қадарга) мослаша олмай қоламиз. Чунки ўз режамиизни мукаммал деб ҳисоблаймиз. Ҳолбуки, биз ноумид бўлиш ўрнига «**Аллоҳ макр** (тадбир, режа) қилувчиларнинг «зўри»дир» деган оятни ёдга олишимиз лозим эди (*Оли Имрон сураси, 54-оят*).

### Хўш, қанақасига?

Сизнинг режангиздан 101та хато топса бўлади. Лекин сизнинг чегараланган тафаккурингиз буни кўрмаётган бўлиши мумкин. Аллоҳ таоло Бақара сурасида:

**«Шоядки ёқтиргмаган нарсангиз сиз учун яхши бўлса. Ва шоядки ёқтирган нарсангиз сиз учун ёмон бўлса. Аллоҳ билади, сиз билмайсиз»,** деб маҳамат қиласади (Бақара сураси, 216-оят).

Айнан шундай. Фақат биз билмаймиз.

Бироз мулоҳаза қилиб, ҳаётингизга назар ташланг. Ўзингиз жуда истаган бирор нарсага эриша олмаган пайтингизни эсланг. Ҳозир ўйлаб кўриб, ўша нарса ҳақиқатан сиз учун яхши бўлганини англайсиз.

Ишонаманки, бундай мисоллар ҳар биримизнинг ҳаётимизда топилади.

Мусо алайҳиссалом ва Ҳизр алайҳиссалом воқеасини эсланг. Ўшанда Ҳизр алайҳиссаломнинг қилган ишлари мақсадга мувофиқ эмасдек туюлиб, Мусо алайҳиссалом шошқалоқлик қилган эдилар. Кейин эса бунинг ҳикматини – Ҳизр алайҳиссалом тўғри иш қилганларини англаб етдилар.

Нарсаларга ташқи кўринишидан баҳо бериш қийин. Биз бунда фақатгина биз кутган нарса амалга ошмаганини – ёпиқ эшикни, умидсиз вазиятни ёки муваффақиятсизликни кўрамиз. Бизга кўринмаётган бўлса ҳам, бу ишда хайр борлигини дарҳол англаш учун кишида кучли иймон ва ирова бўлиши керак. Биз биринчи муваффақиятсизликда Аллоҳга таваккал қилишни, таслим бўлмасдан, тушкунликка тушмасдан, сабр ва сабот, ирова ва умид билан йўлда давом этишни ўрганишимиз лозим. Асосийси – бизнинг ҳар бир ҳолатимиз ва натижамиз биз учун энг яхшиси эканига шубҳа қиласлик, ҳар бир қадамимизда Аллоҳ биз билан эканини, доим Ўзининг ҳимоясида эканимизни, У биз учун энг севимли инсон бўлган онамиздан кўра бир неча баробар бизга меҳрибон эканини ёдда тутиш, Үнга чин қалдан ишониш, бизга тақдир қилган нарсасига рози бўлиш.

Қўлдан келганича режалаштиринг. Яхши ният қилинг. Энг яххисига умид қилинг. Бироқ сизни ўзингиздан кўра яхши биладиган Зотнинг режасидан кўнглингиз тўқ бўлсин. Гарчи ҳозир ўзингиз истаган ҳолда бўлмасангиз ҳам, унутманги, сиз Аллоҳ сиз учун истаган ҳолдасиз.

**Умму АБДУЛЛОҲ**



## НАБАВИЙ ВАСИЯТЛАРГА АМАЛ ҚИЛИШ – ИККИ ДУНЁ САОДАТИ ОМИЛИ

Бисмиллахир роҳманир роҳийим

Аллоҳ таолога ҳамду сано, Расули  
акрамга салоту салом бўлсин!

Ислом дини ер юзини мунаvvар айлар  
экан, аёл зотини жаҳолат зулматидан  
халос қилди. Уни аввало инсон сифатида  
эътироф этиб, ҳақ-ҳуқуқларини қайтарди.  
Шаънини улуғ, мақомини юксак қилди.  
Қуръони Каримнинг жуда кўп ўринларида  
унинг эркак билан баробар эканини баён  
этди:

«Мўминлар ва мўминалар бир-  
бирларига дўстдирлар. Яхшиликка  
буюруллар, ёмонликдан қайтарурлар,  
намозни тўкис адo этурлар, закотни

берурлар ҳамда Аллоҳга ва Унинг  
Расулига итоат қилурлар. Ана ўшаларга  
Аллоҳ тезда раҳм қилур. Албатта, Аллоҳ  
азиздир, ҳакимдир» (*Тавба сураси, 71-  
оят*).

Баъзи ўринларда ҳатто аёлни эркақдан  
кўра устун қўйди. Исломда она юқори  
даражага қўйилганлиги бунга ёрқин  
мисолдир.

Аёлларга бўлган эътибор ва юксак  
эҳтиромни биринчи бўлиб Расууллоҳ  
сollаллоҳу алайҳи васаллам амалда  
татбиқ қилиб кўрсатдилар. Жоҳилиятдан  
қолган урф-одатларни, аёл кишига  
нисбатан турли кўринишдаги зулмларни  
аритдилар, уларнинг ҳуқуqlарини

химоя қилдилар. «Аёллар эркакларнинг туғишилари», дея эълон қилдилар. Ҳатточи мўминаларнинг эҳтиёжларига истижобат қилган ҳолда, уларнинг ўзларига хос илм мажлисларини ташкиллаштирилар.

Маълумки, мўмину мўминаларнинг улуғ мураббийси бўлмиш Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз умматларига жуда кўп ҳолларда васият қилганлар, амри маъруф, наҳий мункар билан уларга таълим-тарбия берганлар. Бу васиятларнинг кўпчилиги аёлу эркакка бир хилда тегишли бўлса, баъзилари эркакларнинг ўзига, баъзилари эса аёлларга хосдир. Жумладан, у зот алайҳиссаломнинг видолашув хутбасида қилган васиятлари жуда ҳам машҳур. Унда мушфиқ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам эркакларни аёлларга яхшилик қилишга буюриб, уларни эркакларга омонат қилиб топширганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллар учун уюштирилган илм мажлисларида уларнинг ўзларига хос васиятлар қилганлар. Биз муслима-мўминалар башарият сарварининг биз билан бўлган аҳдлашувларини ҳеч қачон унутмаслигимиз, уларни маҳкам ушлаб, амал қилишимиз лозим. Камина ходимингиз ҳадисларда келган ана шундай васиятларнинг энг машҳурларини жамлаб, эътиборингизга ҳавола этишга қарор қилдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўрадиган, у зотнинг суннатларига эргашиб, амал қиладиган ҳар бир мўмина-муслима мазкур васиятларга амал қилишни кундалик ҳаётларида энг юқори ўринга қўйишлари лозимdir. Зоро, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни айнан бизга – аёлларга хослаб айтганлар.

Қуйида набавий васиятларнинг энг машҳур бештасини келтирамиз.

### 1. Тақво қилишга чақириқ.

Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:  
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

vasallam билан ийдда ҳозир бўлдим. У зот хутбадан олдин аzonciz ва иқоматсиз намозни бошладилар. Сўнгра Билолга суяниб, (хутба қилгани) турдилар. Сўнг Аллоҳга тақво қилишга буюрдилар. У Зотга тоат қилишга тарғиб этдилар. Одамларга ваъз қилиб, эслатдилар. Сўнгра юриб, аёлларга яқинлашдилар. Уларга ваъз қилиб, эслатмалар бердилар.

**«Садақа қилинглар. Сизларнинг аксариятингиз жаҳаннамнинг ўтинидирсиз», дедилар. Шунда аёлларнинг яхшиларидан юzlари қизил бир аёл туриб:**

«Нима учун, эй Аллоҳнинг Расули?» деди.

**«Чунки сизлар шикоятни кўп қиласизлар. Эрга куфрони неъмат қиласизлар», дедилар.**

Кейин аёллар тақинчоқларидан садақа қилишга киришдилар. Билолнинг этагига балдоқлари ва узукларидан ташлай бошладилар».

Сийрати мutoҳҳара ва ҳадиси шарифлардан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ийд намозига барчани – аёллар, болалар, қул ва чўриларни, ўспирин қизларни намозгоҳга чорлаганларини билиб оламиз. Ҳатточи узрли аёлларни намоз ўқимасалар-да, мана шу баракотли куннинг хайридан баҳраманд бўлишлари учун намозгоҳга чиқишдан тўсмадилар.

Ийд каби одамлар жам бўлган кунларда ваъз қилиб, уларни тақвога амр қилдилар. Тақво ҳамма нарсанинг боши ва асосидир. Тақво асосида амалга ошириладиган ҳар қандай иш хайрли бўлади.

### 2. Садақа қилишга даъват.

Юқорида тақвога далил қилиб келтирган ҳадиси шарифимида аёллар кўпроқ садақа қилиб туришга чақирилган.

Қай бир аёл «Мен бу иллатлардан холиман», дея олади?

Нафақат эрларимиздан нолиймиз, ҳар хил гаплар билан уларни ҳақорат қиласиз, қарғаймиз, балки уларга

нисбатан инсон ақли лол қоладиган даражадаги гуноҳ ишларни ҳам бемалол қиласверамиз. Энг ачинарлиси, ҳеч биримиз гуноҳларимизни эътироф қилгимиз келмайди. Мушфиқ ва меҳрибон зот – Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга бундай гуноҳлардан халос бўлишнинг энг осон йўлини – садақа қилишни тавсия этганларига қарамай, муҳтожларнинг кўнглини олишга, бирор нарса бериб, эҳтиёжини қондиришга келганда, қўзларимизни ҳам, қўлларимизни ҳам юмиб оламиз. Мол-мулк тўплашдан чарчамаймиз, дунё матоҳларига тўймаймиз.

### 3. Эрга итоат қилишга амр.

Қайс ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар бировни бировга сажда қилишга амр қилувчи бўлсан, Аллоҳ уларга (эрларга) улар (хотинлар) устидан берган ҳақнинг сабабидан аёлларни эрларига сажда қилишга буюрган бўлар эдим», дедилар».

*Абу Довуд, Ҳокум ва Термизий ривоят қилганлар.*

Термизийнинг лафзида:

«Агар бировни бировга сажда қилишга буюрувчи бўлсан, хотинни эрига сажда қилишга амр этган бўлар эдим», дейилган.

Ҳозирги кунда кўпгина оилаларнинг хотинчлиги, ҳатто баъзиларининг бузилиб кетаётгани айнан мана шу ҳадиси шарифга амал қилмасликнинг, яъни эрга итоатсизликнинг оқибати эмасми?

Ҳар бир оилада эр раҳбардир. Шундай бўлгач, оиладаги ҳамма – аёл ҳам, фарзандлар ҳам унга итоат қилиб яшашлари шарт. Шундагина оилада тинчлик ҳукм суради, оиланинг барча аъзолари баҳт-саодатга мушарраф бўладилар.

### 4. Фарзандарга гўзал тарбия беришга ундов.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят

қилинади:

«Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Ҳар бирингиз мутасаддидир ва ҳар бирингиз қўл остидагилари учун масъулдир. Имом\* мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Эркак ўз оиласида мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Аёл эрининг уйида мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир. Ходим ўз хожасининг мол-мулкида мутасаддидир ва қўл остидагилари учун масъулдир», дедилар».

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан шариатимизда аёл кишининг оиладаги мажбуриятлари, охиратда сўраладиган нарсалари ҳам кўрсатиб ўтилганини билиб оламиз.

Исломий оилада бека бўлиш улкан шараф бўлиши билан бирга, улкан масъулият ҳамдир. Оиланинг бекаси бўлганидан кейин, унинг ҳамма ички ишлари унинг қўлида, ихтиёрида бўлади.

Оиланинг иқтисоди беканинг тежамкорлигига ва ўзига ишониб топширилган ҳар қандай мол-мулкка хиёнат қилмаслигига, уларни исроф қилмасдан ишлатишига боғлик. Энг улкан масъулиятлардан бири эса фарзандларни дунёга келтириб, боқиб, тарбиялашдир. Бу масъулиятни муслима аёллар доимо шараф билан адо этиб келганлар.

Хуроса қилиб айтганда, оилада муслима аёлнинг зиммасига катта масъулият юклangan. Эрнинг ишлари муваффақиятли бўлишида аёлнинг ўрнини ҳеч ким инкор қила олмайди. «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин», деб бежиз айтилмаган. Гап ҳар бир муслима аёл ўз масъулиятини тўлиқ тушуниб етишида қолган, холос.

### 5. Очиқ-сочиқликдан қайтариш.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам:

«Аҳли дўзахдан икки тоифани кўрмадим: Бир қавмки, қўлларида сигирнинг думига ўхшаш қамчилари бор-у, улар билан одамларни

урурлар. Бир аёлларки, улар кийимли яланғочлар, йўлдан оздирувчилар, йўлдан озувчилар. Бошлари худди түяниңг қийшайган ўркачига ўхшайди. Улар жаннатга кирмаслар ва унинг ҳидини ҳам топмаслар. Албатта, унинг ҳиди бунча масофадан келиб турур», дедилар».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Аҳли дўзахдан икки тоифани кўрмадим» деган гапларидан ушбу ривоятда васф қилинган кишилар ўша вақтда воқелиқда бўлмагани, балки келажакда чиқиши тушунилади.

**«Бир аёлларки, улар кийимли яланғочлар»**, яъни ўzlари кийим кийиб юрадилар-у, аслида яланғочдан фарқи йўқ. Кийимидан авратлари кўриниб турди. Кийими юпқалигидан остидаги жамики нарса кўриниб, билиниб турди. Улар бу қилмишлари ила «йўлдан оздирувчилар»дир.

Бундай ишлари билан бошқа аёлларни ҳам йўлдан оздирадилар. Айниқса ёш қизларни ўzlарига эргаштириб, тўғри йўлдан адаштирадилар. Шунингдек, кўча-кўйда, жамоатчилик жойларида мазкур шармандали ҳолатда юриб, эркакларни ҳам гуноҳга ботирадилар, зинога чорлайдилар. Уларнинг ўzlари ҳам «йўлдан озувчилар»дир.

Ҳа, фақат йўлдан озган одамгина кийимли яланғоч бўлиб, кўча-кўйда bemalol юриши мумкин.

Ҳозирги кунда атрофга назар соган киши ушбу ҳадиси шариф айнан бизнинг замонамиз ҳақида айтилганига амин бўлади. Бошқа миллатларни қўятурайлик, ўзини муслима деб билган ўзбек аёлларнинг очиқ-сочиқ кийиниши жуда кўп муаммоларга сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу муаммони ҳал қилишнинг биргина йўли набавий насиҳатга амал қилишдир.

Ҳа, азизалар, биз аёллар юқорида келтиргандаримиз – беш дона набавий висиятга амал қилиш билан бу дунёю у дунёда нажотга, икки дунё соодатига эришамиз, иншааллоҳ.

Аллоҳнинг ҳузуридаги бандаларга оид ўлчов тақводир, энг тақволи инсон У Зотнинг ҳузурида энг ҳурматли банда ҳисобланади. Кимки Аллоҳ ҳузурида ҳурматли бўлмоқчи бўлса, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг висиятларини маҳкам тутсин.

Бандамиз, айниқса биз аёллар янада ожизамиз, заифамиз. Бандалигимиз сабаб ибодатларимизда қусур бўлиши муқаррар, гуноҳ содир қилишимиз бор гап. Шундай экан, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмаларига амал қилиб, садақа беришга ҳарис бўлайлик.

Биз аёлларга топширилган энг катта масъулият уйни саранжом-саришта сақлаш, эрнинг биздаги ҳақларини адо этиш, фарзандларимизни гўзал хулқли қилиб тарбиялаш, бир сўз билан айтганда, чинакам фароғат қасрини қуришда ўз зиммамизга юкланган вазифаларни бажаришдир. Бу масъулиятли вазифани шараф билан адо этишда эса биздан набавий висиятларга оғишмай амал қилиш талаб этилади.

Эрга итоат жаннатга кўприкдир. Бу билан биз бирйула Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан қилган аҳдимизга ҳам вафо қилган бўламиз.

Шунингдек, ҳар биримиз ташқи кўринишимизга, одоб-ахлоқимизга, айниқса номаҳрамлар билан бўладиган муомала-муносабатларимизга алоҳида эътибор қаратайлик. Шунда жамиятни катта фитнадан сақлаб қолган бўламиз.

Эй Аллоҳ, нақадар буюк Зотсан! Нақадар ҳикматли Зотсан! Бандаларингга раҳмат қилиб юборган Расулинг соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак тилларидан айтилган аёллар учун бештагина висиятда икки дунё соодати жам бўлмиш! Бизларни мазкур висиятларни яхши англаб, уларга амал қилувчилардан қилгин, эй оламлар Робби!

Одинахон МУҲАММАД СОДИХ  
Muslimaat.uz сайти раҳбари

# УММУ ХОЛИД Бинт Ҳалаф



Умму Холид бинт Холид саҳобия бўлиб, маккалик, қурайш қабиласига мансуб аёл бўлган. У Умму Холид кунясини олган.

Отаси Холид ибн Саъид ибн Осс Исломга энг аввал кирганларнинг биридир. Онаси Умайма бинт Ҳалаф Ҳазойия фазилатли саҳобия хонимларнинг бири бўлган. Акаси Саъид ибн Холид солиҳ саҳобалардан бири бўлган. Амакиси Амр ибн Саъид ибн Осс Исломга энг аввал кирганлардандир. У Ярмук жангига ўлдирилган. Эри жаннат башорати берилган ўнта инсоннинг бири бўлмиш Зубайр ибн Аввомдир. Аллоҳ у зотдан ва барча саҳобалардан рози бўлсин.

Умму Холид Ҳабашистон ерларида дунёга келган. У мусулмон оиласида ўсиб-улғайди. Оталари Маккада мўминларга азият кучайганда Ҳабашистонга ҳижрат қилиб кетганлардан бири эдилар.

Умму Холид розияллоҳу анҳо ҳақиқий Ислом тарбиясида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларида тарбияланиб, камол топдилар.

Умму Холиднинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида мавқеи баланд эди. У зот унга маҳсус совғалар берар эдилар. Масалан, бир

сафар Савда онамизнинг хомийсадан тикилган кичик кўйлакларини олиб келиб: «Нима дейсиз, бу кимга қўпроқ мос келар экан?» дедилар. Саҳобалар жим туриши. Шунда у зот: «Умму Холидни олиб келинг», дедилар. Умму Холид айтадилар: «Кўйлакни олдимга кўтариб келдиларда, менга ўз қўллари билан кийгиздилар. Кейин шундай дедилар: «Аблий ва ахлиқий – йиртилгунчакий, киявериб, эскиртири», дедилар. Буни икки марта айтдилар».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Аблий ва ахлиқий», деб қилган дуолари Умму Холиднинг ҳаётида муборак из бўлиб қолган эди. Ҳадиснинг маъноси борасида Ибн Ҳажар «Фатҳ» китобида шундай дейди: «У узоқ яшади, ҳатто у кийимни кийиб, чиритди ҳам. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари ижобат бўлди. Саҳобия аёллардан ҳеч бири Умму Холидчалик узоқ умр кўрмади».

У киши Зубайр ибн Аввомдан Амр ва Холид исмли икки фарзанд кўрганлар.

Заҳабийнинг айтишича, у киши тўқсон йилга яқин умр кўрганлар.

**Зебунисо ҚУТБИДДИН қизи  
таржимаси**

# Йўловчининг ҳиммати

Мухбир ғарблик бир мусулмондан: «Сиз қандай қилиб мусулмон бўлгансиз?» деб сўради. У шундай ҳикоя қиласди:

«1993 йили аёлим билан Туркияга саёҳат қилгани бордик. Бир қишлоққа кириб, адашиб қолдик. Йўлдан ўтиб кетаётган бир йўловчидан: «Шу манзилга қандай борсак бўлади?» деб меҳмонхонанинг манзилини кўрсатдим. У: «Бу меҳмонхона жуда узоқда. Мусофири экансизлар, мен билан уйимга юринглар», деб бизни уйига олиб кетди. Қоронғи тушиб қолган эди. Биз ҳам унинг таклифини рад қилолмасдик. Йўловчи билан бирга унинг уйига келдик. Ичкарида чол-кампир ва беш нафар бола ўтиради. Бирин-кетин болалар бизга кечки овқат олиб киришди. Овқатланиб бўлганимиздан сўнг бояги киши: «Аёлингиз билан шу хонада ухланглар», деб, ташқарига чиқиб кетди. Биз ухлаб тургач, унга бу қилган яхшиликлари учун раҳмат айтмоқчи бўлдик. Қарасак, биз тунаган хонадан бошқа хона йўқ, уй мана шу бир хонадан иборат экан. Мезбон оиласи билан ҳовлидаги дарахт остида тунабди. Ўшанда ҳаво совуқ эди. Аёлим бу ҳолатдан қаттиқ таъсирланиб, йиғлаб юборди. Мен аёлимга далда берар эканман, ич-ичимдан ажиб бир туғён

отилиб келарди: «Демак, ҳақиқий Ислом шу экан-да! Биз эшитиб юрган “Ислом” ҳақиқий Ислом эмас экан. Ҳақиқий Ислом нималигини ҳали билмас эканмиз...» Уй эгасига миннатдорлик билдирарканман, ундан: «Исломни қандай ўргансам бўлади?» деб сўрадим. У табассум ила: «Узингизнинг тилингизга таржима қилинган Қуръони Карим ва суннат орқали билиб оласиз», деди. У бизни меҳмонхонага кузатиб қўйди.

Юртим Руминияга келгач, у айтган китобларни қидириб топдим. Аёлим ва мен бу китобларни қўлдан қўймай ўқиб чиқдик. Кейин... “Лаа илааҳа иллаллоҳ, Мұхаммадур Расууллоҳ”, дея иймон келтирдик. Биз ўша инсон сабаб мусулмон бўлдик. У сабаб ҳақиқий Ислом динини танидик. Бизни Яратган Зотни танишга, Унинг Расулини севишга ўргатган ўша туркиялик оддий йўловчининг ҳимматини ҳеч қачон унотолмайман...

Хозир атрофимда мингдан ортиқ иймон келтирган кишилар бор. Айни пайтда Исломни бутун дунёга ёйиш мақсадида Руминияда Ислом марказини ташкил қилиш ҳаракатидаман...”

**Мұхаммад Али МУҲАММАД ЮСУФ  
таржимаси**

“Рақобат, ғоялар, кутиб турмайдиган фарзанд тарбияси аёлни илдам ҳаракат қилишга ундейверади”



*Бу галги сұхбат-дошимиз замонамизнинг фаол, изланувчан, ташаббускор аёлларидан бири, “Машриқ машъали” ўқув маркази асосчиси, уч нафар фарзанднинг онаси, икки набиранинг бувиси, севимли рафиқа, сарышта уй бекаси Нилуфар Мұминова бўладилар.*

– Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Нилуфар опа, Аллоҳ таоло сұхбатингизга мушарраф қилганидан бениҳоя мамнунмиз. Сиз оиласда онасиз, тирбиячисиз, шу билан бирга, катта бир муассасада раҳбарсиз. Бир сўз билан айтганда, жамиятда илғор аёлсиз. Буларнинг барчасига улгуриш қийин эмасми?

– Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Аввало, ушбу сұхбатга мени муносиб кўрганингиз учун ташаккур!

Аёл кишига раҳбар бўлиш, шу қаторда оиласи, фарзанд тарбиясини бирдек олиб кетиш осон иш эмас. Эркаклар қанчалар забардаст бўлишмасин, кўча-кўйдаги, ишхонадаги фаолиятлари, у ердаги

катта-кичик муаммолар асабларини ҳам, күчларини ҳам эговлашга етарли бўлади. Энди аёл-чи?! Ҳам кўчани, ҳам уйни, ҳам фарзандлар тарбиясини зиммасига олиб, кейин раҳбарлик ёки бизнесга қадам қўяди.

Аёл кишига Аллоҳ таоло шунга яраша кучни ғойибидан беради. Масалан, чарчаган одам қанчалар бўшашиб, ҳолсиз ўтирган бўлмасин, бир қўнғироқ бўлиб, ярим соатдан кейин уйига меҳмон келаётганини эшитса, бир зумда куч пайдо булади. Меҳмон кутишга шунчалик берилиб кетадики, бояги чарchoқдан, ҳолсизлиқдан асар ҳам қолмайди. Баъзан ўша ярим соат бир ҳафталик ишларни битиришга ҳам кифоя қиласди. Яъни раҳбар аёл ҳеч қачон тўхтаб тура олмайди. Рақобат, ғоялар, кутиб турмайдиган фарзанд тарбияси уни илдам ҳаракат қилишга ундейверади.

**– Албатта, бугунги кунда эришган муваффақиятларингиз, ютуқларингиз ортида аввало Аллоҳ таолонинг инояти, меҳнатингиз самараси ётибди. Ютуқларингиз ортида турган заҳматкаш инсонлар ҳақида тўхтамсангиз.**

– Шу кунгача нимага эришган бўлсам, албатта, Аллоҳ таолонинг иноятидан деб биламан. Чунки меҳнат қилаётган, кечаю кундуз ғоялар билан ёниб яшаётган битта мен эмас-ку!

Ҳаётимиз, умримиз бизга берилган неъмат, омонат, ҳисоб-китобли. Буни яхши тушунган нафақат мен ва оиласам, балки қанча-қанча инсонлар ризқ, илм, таълимтарбия илинжида ўз ватанида, керак бўлса, чет элларда тиним билмай ҳаракат қилишади. Қаерда бўлмасин, қўлдан келганча савоб амаллар қилишга ҳаракат қиласидиган, гуноҳ амаллардан йироқ юрган бандаларига Аллоҳ таоло енгиллик, омад, барака беради...



Аввало, ишларимизнинг ривожи ва баракаси ота-онамизнинг биз фарзандлари ҳақиқига қилган хайрли дуолари баракасидан деб биламан. Шунингдек, турмушга чиққан аёл турмуш ўртоғининг кўмагига жуда муҳтоҷ бўлади. Менинг турмуш ўртоғим ҳар доим мени қўллаб-қувватлаб келган, ёнимда елкадош бўлган. Турмуш ўртоғингиз сизга суюнчик бўлмас экан, ҳеч қачон мукаммалликка эриша олмайсиз. Кўзлаган, орзу қилган манзилингизга етолмайсиз. Ақлли, меҳрибон, сирдош турмуш ўртоғи бўлмаган аёл меҳнат фаолиятида ютуққа, ҳаётида муваффақиятларга эриша олмайди.

Тошкент шаҳрида "Машриқ машъали" ўқув марказини очишимда, унинг фаолиятини йўлга қўйиб, ривожлантиришимда сингилларимнинг хизмати катта. Уларнинг беминнат кўмаги билан бу ўқув маркази муҳттарама аёл-қизларимиз учун энг яхши марказлардан бирига айланниб улгурди. У ерда турмуш бўсағасидаги қизларимиз учун, келин бўлиб бир хонадоннинг бекасига айланган ёш келинлар, шунингдек, оналар учун талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда бир қанча курслар очилди.

Яқинларимнинг мана шундай ёрдамлари сабаб мен нафақат юртимизда, балки чет элда ҳам фаолият олиб бормоқдаман.

**– Бугунги замон аёли қандай бўлиши керак деб ўйлайсиз. Уларнинг жамиятдаги ўрни ҳақида мулоҳазаларингиз...**

– Бугуннинг аёли... Аёл ҳар қандай ҳолатда аёллигини, оналигини биринчи ўринга қўйишга мажбур. Қачонки аёлдан ҳаё, тавозе, ҳилм кетаркан, «аёл» деган номидан ҳам маҳрум бўлади. Баъзан ишини сабаб қилиб, турмушга чиқиши кечиктирадиган, мансабини кўзи қиймай, фарзанд кўришни орқага сурадиган, яримяланғоч кийимлар кийишни замонавийлик деб биладиган аёлларни тушуна олмайман.

Менинг наздимда замонавий аёл аввало оиласида фарзандларига, атрофдагиларга ўрнак бўла олиши керак. Сўзи билан амали бир бўлиб, ўзини фидо қила олган бўлсагина, атрофига унга ишонгандар жипслашади.

Яъни бир шам мисоли ўзи эриб, тамом бўлса-да, атрофини ёрита оладиган аёлни замонавий аёл дейишим мумкин.

**– Бугунги кунда глобал мавзуга айланган фарзанд тарбияси, хусусан, қизлар тарбияси ҳақида фикрларингиз.**

– Бугунга келиб, қиз боладир, ўғил боладир, уларни интернет асридан эсон-омон олиб чиқиб, ўзимиз хоҳлаган манзилга олиб бориш жуда қийин ва машақатли ишлардан бирига айланди.

Аввало, фарзандларимизга чиройли тарбия бериб, улarda тўғри ақийда ва эътиқодни шакллантиришимиз, илмга қизиқтиришимиз, фойдали иш ва ҳунарга йўналтира олишимиз зарур. Мана шу омилларни тайёрлай олсак, уларни турли фалокату ҳалотлардан асраб қола оламиз. Бунга энг аввал оналар масъулдир. Ҳар қандай баҳона – у хоҳ ишнинг кўплиги бўлсин, хоҳ тириклик оғирлиги бўлсин, ҳеч бири фарзанд тарбиясига тўқсинглик қилмаслиги керак. Аслида биз ким учун яшаемиз? Ким учун елиб-югуриб юрибмиз? Албатта, фарзандларимиз учун, уларнинг порлоқ келажаги учун. Шу боис фарзанд тарбиясини бир кунга ҳам кечикириб бўлмайди. «Бир йигитни тарбияласанг, бир одамни қутқарган бўласан, бир аёлни тарбияласанг, бир жамият тарбияланади», деган сўз айни ҳақиқат.

Фарзанд тарбиясида қўллаб самарасини тез кўриш мумкин бўлган усууларимдан бири, ибратли ҳолатларни йўл-йўлакай айтиб, улар билан муҳокама қилишим, деб биламан. Баъзан ўзимнинг ёшлигим ҳақида гапираман, қилган хатоларим, армонларим... Лекин ҳар куни бир хил усуулда давом этиб бўлмайди. Кўпроқ улар каби болага айлана олсангиз, бирга дам олишга чиқиб, керак бўлса бирга югуриб, мусобақа уюштириб, қизиқтирганингиз сари, бола “сизники” бўлиб улғаяди. Бир одамнинг сўзлари ҳеч ёдимдан чиқмайди: “Боламнинг зўр мутахассис бўлишини орзу қилиб, Англияга ўқишига юборгандим. Балки зўр мутахассисдир, аммо боламни йўқотиб қўйдим, ёнимдаги бегонага айланди...”

**– Энг яхши кўрган саҳобий ёки саҳобиянгиз ким? Нима учун айнан у зотни кўпроқ яхши кўрасиз?**

– Энг яхши кўрган саҳобиям Ҳадича бинт Хувайлид розияллоҳу анҳо бўладилар. Ҳадича онамиз Пайғамбаримиз алайҳиссалом учун яратилган эди. Ҳадича онамиз ўз даврининг бой-бадавлат, обрўли аёлларидан бўлишига қарамай, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг мashaқатли йўлларида йўлдош, ҳамкор, ҳар қандай ҳолатда елкадош бўлдилар. Биринчи иймон келтирган мусулмонлардан ҳисобланадилар. Шунингдек, у зот Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан Қосим, Зайнаб, Умму Кулсум, Руқайя, Фотима ва Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумни дунёга келтириб, Ислом йўлида тарбиялаган меҳрибон ва оқила она ҳам эдилар. Ҳадича онамиз билан жаннатда ҳамсуҳбат бўлиш илинжида Яратган Зотга тинмай илтижолар қиласман.

**– Суннат амаллардан бирор тасига амал қилиб, баракотларга эришган ҳолатингиз ҳақида гапириб бера оласизми?**

– Суннат амаллардан ҳаётимда менга кўп фойда бергани мўминнинг юзига табассум билан боқишидир.

**– Келгусидаги мақсад ва режаларингиз...**

– Аллоҳ таоло умр, соғлиқда бардавом қилса, энг аввал одамларга фойда келтирадиган инсон бўлиш учун ҳамма нарсага тайёрман.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида: «Аллоҳ таваккул қилувчиларни севар» (159-оят), дея марҳамат қиласди. Мен шу оятни қалбимга жо қилиб, бизнесда ҳам, оиласда ҳам ривожланишдан тўхтамаслик учун таваккул илиа олға интилишга ҳаракат қиласман.

**– Мухлисларга тилакларингиз...**

– Ҳисоб-китобли умримиз сонияларини муҳрловчи ҳар тонг, ҳар кечани ғанимат билайлик, бунга бефарқ бўлмайлик. Ҳар бир янги кунимизни ғанимат билиб, қайсиadir хайрли ишга бош-қош бўлишга, бирор яхшилик қилишга улгурниб қолайлик. Бир инсон қалбига хурсандчилик баҳш этишга ёки унинг ғанини аритишга фурсатимиз этиб қолсин... Бу кунларимиз то қиёмат кунига қадар қайтиб келмаслигини ҳис эта билайлик. Илоҳим, ҳаммамиздан яхши ном қолсин.

Оиша  
сұхбатлашиди



# ЮКСАК НОМГА МУНОСИБ БҮЛАЙЛИК

Бисмиллахир роҳманир роҳийим!

Сүнгги йилларда юртимизда динимизни ўрганиш, кишиларда түғри эътиқодни шакллантириб, Қуръонга муҳаббатни кучайтириш, Қуръонга, ҳадисга амал қилиб яшашни йўлга кўйиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиз бўйлаб ўтказилган Қуръон, ҳадис мусобақалари сўзимизнинг ёрқин далилидир.

Лекин халқимизнинг асосий қисми ҳали-ҳануз эскича қарашларидан, эскича урф-одатларидан, бидъат-хурофотларидан айрила

олмаётир. Ёшларнинг ҳам, катталарнинг ҳам бу борада түғри йўлни кўрсатадиган, Ҳақни танишида кўмак бўладиган, шариат қоидалари жамланган китобларни ўқишига на вақтлари бор, на ҳафсалалари. Одамларга динимизнинг бирор кўрсатмаси ҳақида гапирсангиз, «Нега, Фалончи отинойи бошқача айтган-ку?», «Бир отинойидан эшитгандим, сиз айтган нарсаларни бошқача тушунтирганди» деб, гапингизга эътиroz билдиришади. Демак, одамлар отинойиларни энг илмли, энг ибратли, энг ҳурматли инсонлар деб билишади. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Динимизда аҳли илмларнинг, уламоларнинг даражаси юқори экани алоҳида таъкидланган. Бу ҳақда Қуръони Каримда, ҳадиси шарифларда, уламоларнинг ҳикматли сўзларида етарлича маълумот топилади. Лекин мен ҳозир бу

ҳақда гапирмоқчимасман. Мен айнан халқ «отинойи», деб иззат-хурмат қиласын, маросимларда уйнинг тўрига ўтириғизиб қўйиб, сара таомлар билан сийлайдиган, маросим тугагач, бир дунё ҳадялар, пуллар билан уйига кузатиб қўядиган, аммо бундай номга, бундай эътиборга номуносиб баъзи отинойилар ҳақида анчадан буён мени ўйлантириб келаётган бир-икки оғиз аччиқ ҳақиқатларни, дард-аламларимни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман.

Бундан чамаси бир ярим йиллар олдин устозамиз Одинахон Мұхаммад Содиқ бир мажлисда шундай дедилар: «Юртимиз бўйлаб отинойиларнинг илмини, диний жиҳатдан савиясини текшириш учун тадбирлар ўтказилди. Маълум бўлдики, бу борада аҳвол ниҳоятда ачинарли экан. Шунинг учун Диний идора ва бошқа тегишли муассасалар ҳамкорлигига отинойилар учун бир нечта қўлланмалар тайёрламоқчимиз. Имом-домлалар, отинойилар халқа тўғри йўлни кўрсатадиган, динимиз арконларини, шариатимиз кўрсатмаларини ўргатадиган, амри маъруф ва наҳийи мункар қиласын, кишилардир. Шундай бўлгач, авваламбор уларнинг ўзлари илмли бўлиши керак. Аммо вазият ўрганиб чиқилганда уларнинг диний саводхонлигини зудлик билан ошириш кераклиги аён бўлди. Бу борада юртимиздаги аҳли илмларнинг зиммасида жуда катта масъулият бор...»

Сўнг устозамиз чоп этилиши керак бўлган ана шу қўлланмаларни бирма-бир санаб бердилар. Уларнинг бири «Маросимлар» китоби бўлиб, биринчи сони жаноза маросимларига бағишланишини таъкидлаганларида, мен: «Жаноза ҳақидаги қўлланмага шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф ҳазратларининг китобларида келтирилган диний кўрсатмаларни бериб, ортидан халқ орасида тарқалган бидъат-хурофотларни киритиш керак»,

дея ўз таклифимни билдиридим. Худди ҳозиргидек эсимда, шунда Одинахон: «Таклиф киритган одам ўша ишга ўзи масъул. Маросимлар ҳақидаги китобнинг «Жаноза» бобини сизга топширдик», дедилар.

Ўша кундан бошлаб бўш қолдим дегунча, халқ орасида тарқалган жаноза билан боғлиқ бидъатлар, ношаръий маросимлар, заарарли урф-одатлар ҳақида маълумот йиға бошладим. Ўзим билганларимнинг ўзи ҳам бир дунё бўлди. Кейин юртимизнинг турли вилоятларида истиқомат қилувчи опа-сингиллар билан мулоқотда бўлдим. Биз кўрган, эшитган, билган бидъат, ирим-сиirimлардан бошқалари ҳам бордир, деган мулоҳаза билан уларга мурожаат қилганимда таажжубдан ёқа ушладим. Астағифиуруллоҳ! Улар айтиб берган, ёзиб жўнатган хабарларда инсон ақлига сиғмайдиган ишлар, ирим-сиirimлар, бидъат-хурофотлар, ношаръий, ҳатто ҳаром ишлар шу қадар кўп эдики, уларни жамлаб, китобга жойлаганимизда шаръий кўрсатмалар баён этилган саҳифалардан кўра ношаръий ишлар, бидъатлар ёзилган саҳифалар кўпроқни ташкил этгани мени ҳайратга солди (ҳали бу фақат менинг билган-эшитганларим. Яна билмаганларим қанча экан?)

Бир синглимизнинг куюниб гапиришича, айнан мана шу нотўғри ишларга астойдил ружу қўйган, уларни қилишимиз шарт деб, атрофдагилар билан тортишадиганларнинг ўзи ҳеч бўлмаса Ихлос сурасини тўғри ўқиши, вафот этган одамнинг ҳаққига чиройли дуо қилиши билмайди, «Ота-боболаримизнинг руҳи қўлласин», «Довуд пирим қўлласин»дан нарига ўтмайди. Таҳлил нима, салавот нима, умуман бехабар.

Мени ўйлантирган нарса шуки, инсонни яратган, унга ақл, кўз, қулоқ, тил каби буюк неъматларни бериб қўйган Аллоҳнинг буйруқлариға бўйсунишга,

фарз қылган амалларини бажаришга өзтиборсизлик билан қараб, У Зотга ширк бўладиган амалларни эса ўта ихлос билан, жидду жаҳд билан бажариш, бошқаларни ҳам бунга ундашнинг охиратдаги савол-жавоби қандай бўлар экан?!

Бу биргина жанозага оид изланиш эди. Бошқа соҳаларни гапирмай қўяверинг.

Қўлланмани ёзиб, топширганимдан кейин ҳам буларнинг бари илмсизликнинг оқибати эканлиги ҳақида анчагача ўйланиб юрдим. Ўзимга ўзим саволлар бераман: «Бу нарсаларнинг чеки бормикин? Қандай қилиб ҳалқимизнинг бу аянчли ҳолатини ислоҳ қилиш мумкин? Қўлланмалар тезроқ нашр қилиниб, тезроқ отинойиларнинг қўлига етиб борса эди... Лекин улар узоқ йиллик қотиб қолган тушенчаларидан воз кечиб, қўлланмаларда ёзилган шаръий кўрсатмаларга амал қилишармикин?..

Ҳа, ҳалқимиз, айниқса аёл-қизларимиз илмли одамларнинг панд-насиҳатига, таълим-тарбиясига ниҳоятда муҳтож экан. Бу борада эса ота-она, ўқитувчи-тарбиячилар билан бир қаторда диний-шаръий жиҳатдан чуқур илмга эга бўлган отинойиларнинг ўрни бекиёсdir. Шуларни мулоҳаза қылган устозларимиз жуда долзарб, хайрли ишга қўл уриб, бу аянчли ҳолатни ислоҳ қилиш мақсадида отинойилар учун қўлланмалар тайёрлашга киришган эдилар. Аллоҳ таоло бу ишларини манфаатли қилсин.

Кунлар, кунлар кетидан ойлар ўтди. Бундан бир ойлар олдин вилоятлардан бирида яшовчи бир танишимиз қизининг никоҳ тўйига пойттахтдан илмли отинойилардан бирини таклиф

қилиш истаги борлигини айтиб, таниш-билишлари орқали бир таникли отинойи билан боғланибди. Тўйнинг вақтини айтгандан сўнг табиийки, хизмат ҳаққи қанча бўлишини сўрабди. Сўрабди-ю... тилини тишлабди.

У кишининг айтишича, масаланинг бу томонини отинойининг ўзлари гаплашмас эканлар.

Шогирдлари орқали бошқа вилоятларга боргандা одамлар қанча пул берганини айттирибдилар. Танишимиз бу нархлар қимматлик қилишини айтган экан, «Унда ҳар биримизга фалон сўмдан берасизлар, бориш-келишимизга машина гаплашиб берасизлар», деган жавобни эшитибди.

Ўша танишимиз куюниб, шундай дейди:

«Биз томонлардаги отинойилардан кўнглимиз тўлмагани учун шаҳардан илмли отинойиларни таклиф қилмоқчийдик. Лекин улар айтган нарх бизга тўғри келмади. Бу биз учун жуда катта пул. Шунинг учун ҳам биз томонларда ҳамма илмсиз экан-да! Биздаги отинойиларнинг аҳволи ҳалигидай бўлса. Илмиларини олиб келайлик, ҳалқ оз бўлса-да фойда топсин десак, чўнтак кўтармаса...»

Шундан кейин орадан ўн кунча ўтиб, айнан ўша вилоятга бир қариндошимизникига мавлид маросимига бордик. Ҳаммамизга маълумки, ҳалқимизда мавлид ойи бўлмаса ҳам, турли муносабатлар билан ўтказиладиган тадбирларда мавлид ўқитиш урф-одатга айланган. Майли-да, шу баҳона одамлар Қуръондан, суннатдан, сийратдан, шариатдан бирор маълумотга эга бўлиб қолади, деган ният бор. Биз ҳам шу ниятда бориб, отинойининг маърузасини кута бошладик. Маросим-

**«БИЗ ТОМОНЛАРДАГИ  
ОТИНОЙИЛАРДАН КЎНГЛИМИЗ  
ТЎЛМАГАНИ УЧУН ШАҲАРДАН  
ИЛМЛИ ОТИНОЙИЛАРНИ  
ТАКЛИФ ҚИЛМОҚЧИЙДИК.  
ЛЕКИН УЛАР АЙТГАН НАРХ  
БИЗГА ТЎҒРИ КЕЛМАДИ. БУ БИЗ  
УЧУН ЖУДА КАТТА ПУЛ. ШУНИНГ  
УЧУН ҲАМ БИЗ ТОМОНЛАРДА  
ҲАММА ИЛМСИЗ ЭКАН-ДА!  
БИЗДАГИ ОТИНОЙИЛАРНИНГ  
АҲВОЛИ ҲАЛИГИДАЙ БЎЛСА.  
ИЛМЛИЛАРИНИ ОЛИБ  
КЕЛАЙЛИК, ҲАЛҚ ОЗ БЎЛСА-ДА  
ФОЙДА ТОПСИН ДЕСАК, ЧЎНТАК  
КЎТАРМАСА...»**

га таклиф этилган отинойи бироз тамадди қилиб олгач, бирдан мавлид ўқишини бошлаб юбордилар. (Астағириуллоҳ! У киши ўқиётган нарсаларни «мавлид» деб атаган одам гуноҳкор бўлиб қолмасмискин?! Ўзинг асрал!) Отинойи қаерданadir топиб (ёки тўқиб) айтган маълумотларнинг тўқсон фоизи биз ўқиган диний китобларда, масалан, шайх Муҳаммад Соғидик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг китобларидан бирортасида йўқ. Отинойи айтган гапларнинг ҳаммаси тўқима ҳадислар, исроилиётлар эди...

Отинойининг хотираси шу қадар кучли эканки, жуда кўп шеърларни, байтларни ёддан ўқиб беряптилар. Афсус... бу хотира, бу нотиқлик санъати, бу вақт, бу фурсаларни ҳақиқий илм йўлида сарфлаганларида, кўпчиликка ҳақиқий илм-ирфон тарқатиб, қанчалар баҳт-саодатга эришган бўлар эдилар. Даврада ўтирган ўша ерлик опа-сингиллар отинойининг маърузаларини жон қулоқлари билан эшитишарди. Мен эса бир отинойининг аҳволига ачинсан, бир ҳалқа ачинардим. Энг ёмони шуки, бундай маросимларнинг сўнгида ўша ерда йиғилганларнинг ҳаммаси отинойининг олдига пул ташлашади, у эса пул ташланларни дуо қиласди. Аммо бир оғиз: «Буни нима учун, қандай ниятда беряпсизлар? Пулингиз керакмас, дуони пулга сотмайман», демайди.

Хуллас, ўша куни неча йиллардан бўён мени қийнаб келаётган оғрикли дард бир неча бор кучайиб кетди. Охири ҳам, жўяли жавоби ҳам йўқ саволлар бутун ўй-хаёлларимни банд қилиб олган:

Аллоҳнинг каломини, шариатимиз кўрсатмаларини бунчалик кўп пулга сотишга мазкура шаҳарлик отинойининг нима ҳақи бор? Унга бу ҳуқуқни ким берган? Давлатимиз унга лицензияни пул ишлаш учун берганми? Майли, бирор маросимга бориб, амри маъруф, наҳийи

мункар қилиш учун ўша отинойининг тўрт-беш соат (майли, узоқроқ вилоятга борса, бир-икки кун) вақти кетар, бундан ташқари қуввати, соғлифи кетди, дейлик. Аммо шунга ярашасини сўрасин. Аслида сўрамаса ҳам, таклиф қилувчилар кўнглидан чиқариб, атаганларини беришади. Ваҳоланки, у оғзига сикқанини сўрайдиган даражада мушкул иш учун бормаяпти, балки анвойи таомларни тановул қилиб, дам олиб, давраларнинг тўрида ўтириб,

Аллоҳнинг каломидан, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидан, сийратлардан сўзлаш учун таклиф қилингапти. Одамларга илм-маърифат тарқатиш учун, динимиздан, шариатимиздан сўзланадиган, Қуръон

тиловат қилиниб, сакинат ёғиладиган манзилларга таклиф қилингапти. Бу билан эса соғлиғидан, қувватидан айрилмаслиги шубҳасиз. Бир неча соатлик ташриф учун бунчалик кўп пул сўрашга қандай журъат қилиш мумкин? Бу билан ўша куни эга бўлажак ажр-савобларини йўқча чиқариб юбормайдими? Майли, кимлардир ўша отинойини ҳурмат-иззат қилиб, мўмайгина пул билан сийлагандир. Бу ўша одамларнинг номидан ҳадя, эҳсон сифатида берилгандир. Лекин «Бунча пул беришга имкониятим йўқ», дея аҳволини билдириб турган одамларга отинойи: «Майли, кўнглингиздан чиқариб берарсиз», деса, ўша хонадон соҳибига эҳсон қилган, бу билан кўплаб ажр-савобларга эришган бўларди-ку!..

Энди ўзим иштирок этган маросимдаги отинойи ва у кишига ўхшаган бошқа кўплаб «илм аҳллари»га бир нечта саволлар билан мурожаат қилмоқчиман:

Сизлар давлатимиз томонидан берилган ишончни оқлаш учун нима

ишлиар қиляпсиз? Ҳозирги кунда нима кўп, китоб кўп. Ўша китобларни ўқиб, илмингизни оширияпсизми? Қуръонни тажвид билан ўқий оласизми? Араб тилини билишни-ку, айтмай қўя қолайлик, тафсир, ҳадис, ақоид илмлари ҳам майли, ҳеч бўлмаса фикҳимизни, таҳорат, ғусл ва аёлларга оид поклик масалаларини биласизми? Лоақал Қуръонни тўғри ўқишни ўрганиб олишга сизга нима халақит беряпти? Ахир сиз ўқиётган нарсани Қуръон деб бўлмайди-ку? Қачонгача «мушкулкушод», «биби сешанба», «тугун оши» каби ирим-сиirimларга, бидъат-хурофотларга буюриб, ҳалқнинг шўрини қуриласиз? Аслида сиз ҳалқнинг билмаганини ўргатадиган, хато қилса, тузатадиган одамларсиз-ку! Қачонгача илмли одамлар ҳамманинг олдида хатоларингизни тўғрилашдан истиҳола қилиб, даврани тарқ этиб чиқиб кетишга журъат тополмасдан, сизнинг олди-қочди «маъруза»ларингизни эшитишга мажбур бўлиб ўтиришади? Қачонгача илмсиз одамлар сизни ўтиргизгани жой топа олмасдан, оғзингизга тикилиб, пойингизга патак бўлишади-ю, сиз эса уларга нотўғри, хато, асоссиз, ёлғон маълумотларни етказиб, вақтларини, пулларини зое қиласиз, уларни янада жаҳолат ботқоғига ботирасиз? Давлатимиз томонидан динимиз таълимотларига, ҳалқнинг диний савиясини оширишга алоҳида эътибор берилаётган бир пайтда нима учун сизлар ҳали ҳам эскилиқ сарқитларидан воз кеча олмасдан, ёлғон-яшиқ гаплар билан ҳалқни ортингиздан эргаштириб юрибсиз? Ҳеч бўлмаса бунинг охиратдаги савол-жавобидан қўрқмайсизми?..

Гапирсак, гап кўп. Лекин асосий айтмоқчи бўлганларим шу эди. Хулоса ўрнида шундай демоқчиман: бу нохуш ҳолатдан қутулиш у қадар қийин эмас. Аллоҳ таоло Ўзининг иродаси билан ҳар қандай ҳолатни ўнглашга, ислоҳ қилишга

қодир Зот. Фақат биз – бандаларда хоҳиш-истак, ҳафсала, ҳаракат, жидду жаҳд бўлса бас. Ҳусусан, отинойилар масаласида ҳам шундай. Илмли отинойиларимиз ниятларини тўғри қилиб, нафсларининг хоҳишига учмасалар, савоб талабида ҳалқнинг хизматига шай турсалар, илми етарли бўлмаган отинойиларимиз эса ўзлари фойдаланаётган «эскича» китоблардан воз кечиб, ҳақ йўлга бошловчи китобларни ўқиб-ўрганишса, улар асосида ҳалққа амри маъруф, наҳий мункар қилсалар, Қуръони Каримни тажвид билан ўқишга ҳаракат қилиб, ўз хатолари устида кўпроқ ишласалар, ҳар иккилари ҳам ўзларига берилган фурсат, мартабадан олий мақсад – ҳалқнинг маърифатини ошириб, ўзларининг охиратдаги даражаларини юксалтириш учун фойдалансалар, нур устига нур бўлар эди.

Имом Ғаззолий айтадилар: «Эй фарзанд! Шариатга эргашилмаса, илм ҳам, амал ҳам залолатdir. Сўзинг ҳам, ишинг ҳам шариатга мувофиқ бўлиши керак. Чунки шариатга эргашилмаса, илм ва амал залолатdir, адашишdir».

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз лозимки, гап эгасини топади, деганларидек, юқорида айтилганлар ҳамма отинойиларга ҳам тегишли эмас. Ўзининг илми, салоҳияти, ихлоси билан ҳалқнинг олқишига, эҳтиромига сазовор бўлган отинойиларимиз жуда кўп. Биз тилга олган, бу соҳага тасодифан кириб қолган баъзилар ана шундай олималардан ўrnak олсалар, ўзларига ҳам, ҳалққа ҳам манфаатли бўлар эди.

Аллоҳ таоло ҳеч биримизни Ўзининг тўғри йўлидан адаштирмасин, бизларни ўқиганларига амал қиладиган бандаларидан қилсин, барчамизни икки дунё саодатига эриштирсин. Омин!

**Барно САИДРАҲМОН**  
 «Ҳилол» нашриёти ҳамда  
 «Муслимаат.uz» сайти муҳаррири

# Муҳаммад ﷺ назларида болаларнинг бир куни



Бугунги кунда ота-оналарнинг энг муҳим муаммолари рўйхатида фарзандларга тўғри тарбия бериш масаласи етакчи ўринни эгаллайди десак, муболаға бўлмайди. Фарзандимизнинг ноёб қобилияти ва зеҳнини тўғри баҳолай олмаслиқда ўқитувчи-тарбиячиларни, мактабларни ва жамиятни айблар эканмиз, кўпинча ушбу рўйхатта ўзимизни киритишни унутамиз.

Ҳозирда хилма-хил тарбия усулларию услублари ҳақида маълумотларга эга бўлиш жуда осон, бунинг учун интернетга кира олсангиз, кифоя.

Аммо биз тарбия борасида саволларимизга жавоб топиш учун болаларнинг таълим-тарбиясига алоҳида эътибор берган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васал-

ламнинг суннатларига қанчалик мурожаат қиласиз? Бу саволга ҳар ким ўзидан келиб чиқсан ҳолда жавоб бериб, тегишли хulosалар чиқарақолсин...

Биз эса шу ўринда ота-оналарга оз бўлса-да ёрдам сифатида, қолаверса, барчамизга яна бир эслатма бўлиши учун Жаноби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига биноан болалинг кун тартиби қандай бўлиши кераклиги ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Ўз вақтларини тўғри режалаштириш ва кун тартибига амал қилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асосий қоидаларидан бири эди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ёш болаларнинг ҳам шундай тартибга одатланишларини

тавсия қиласар эдилар. Расууллоҳ соллаллоҳ алайҳи васалламнинг сўзларига кўра, боланинг куни бомдод намозига чақирилган аzon билан бошланиши керак. Шунда бола кичиклигидан, яъни унга ҳали ибодатлар фарз бўлмасидан, исломий тартиб интизомга одатланади.

Намоз ўқиб бўлгандан кейин яна қайта ўйқуга ётишга эмас, балки қуёш чиқшини кутишга ўргатиш лозим. Чунки бу вақтда инсонларнинг ризқлари тақсимланади. Бу пайтда болани китоб ўқиши ёки турли зикрлар билан банд қилиш шарт эмас, бу унинг нафсиға оғирлик қилиши, зерикиши ва оқибатда кейинги кунлари тонгда туришга қийналиши мумкин. Шунинг учун намоздан сўнг у билан ўйнаш ва суҳбатлашиб вақт ўтказиш кифоя.

Қуёш чиққандан сўнг бола истаса, ўйқусини давом эттириши мумкин, чунки ухлаш унинг танаси учун худди овқатланиш каби зарурдир. Бироқ бола хоҳламаса, ухлашга мажбурламанг.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам болаларнинг ўйинларига катта аҳамият берганлар ва уларнинг кундузи очиқ ҳавода ҳаракатли ўйинлар билан банд бўлишларини тавсия қилганлар. Бола ўсиб-улғайгани сайин, аста-секин уни ота-онасига ёрдам беришга жалб қилиш ва қийин бўлмаган юмушларни буюриш мумкин. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам иссиқ кунларда, пешин вақтида болаларнинг ўйдан кўчага чиқмаслиги лозимлигини таъкидлаганлар. Буни ҳазрати Али розияллоҳу анҳу иссиқ пайти кўчада Ҳасан ва Ҳусайнни ўйнатиб юрганларида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Набираларимни иссиқ урмасидан ўйингизга кирмайсизларми?» деганларидан билиб оламиз. Туш пайтида бола овқатланиб, ухлаши лозим.

Айтганча, Пайғамбаримиз алайҳисаломнинг суннатлари бўйича 30 дақиқалик тушки ўйқу (қайлула) бошқа пайтдаги икки соатлик одатий ўйқуга тентелади ҳамда инсонга тетиклик ва қувват бағишлиайди.


Болага эрталабки ва кундузги ўйинлар билан бир қаторда, кечки саир ҳам зарур ҳисобланади. Анас розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятга кўра, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ўша пайтда кўчада болалар билан бир неча бор ўйнаганлар. Аммо ҳар бир нарсанинг чегараси ва меъёри бор, шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Болаларингизни қуёш ботганидан кейин (қоронғи тушгандан кейин кўчадан) йиғиштириб олинглар, чунки бу вақтда шайтонлар тарқалади», де-

дилар. Кўпгина болалар қоронғиликдан қўрқишиади. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам болаларнинг қўрқувига сабаб бўладиган, руҳиятига салбий таъсир қиласидан ҳолатлардан ҳимоя қилишни маслаҳат берганлар.

Кечки овқатдан кейин, ўйқуга ётишидан олдин фарзандингизга алоҳида эътибор беришингиз, у билан суҳбатлашишингиз, муаммоларини муҳокама қилишингиз ва унга фақат ота-онагина бера оладиган ғамхўрлик ва муҳаббат тафтини ҳис қилиш имкониятини беришингиз керак.

Боланинг кун тартибига юқоридаги каби ёндашув бизнинг суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари бўлиб, унга риоя қилиш ёки қиласи маълумати ҳар кимнинг ўзи ва тарбия қилаётган фарзандлари учун муҳим танлов деб ҳисоблаймиз.

*«Islamtoday» нашри асосида  
Оиша тайёрлади*



# Аслида ким ёш бола? Болаларми ёки биз, катталарми?

**И**нсон илми зиёда бўлиб бораркан, кун келиб одамларга нималарни дидир исботлашдан, улар билан баҳслашишдан, улардан ҳар бир иши учун кечирим сўрайверишдан, уларни танқид қилишдан, уларга маслаҳат беришдан, ақл ўргатишдан, ҳамма учун жон куидиришдан, уларга тўғри яшашни ўргатишдан тўхтаб қолади. Чунки у бу ишларнинг ҳаммасини бажаришга мажбур эмаслигини тушуниб етган бўлади. Ана шу онда инсон ўзининг эркин яшаётганини ҳис эта бошлайди. Чунки айнан шу онда унда ички хотиржамлик пайдо бўлади ва бу нарса ҳаётда энг катта неъмат эканлигини англайди...

Олтин кузнинг илиқ кунларида қуёшга юзингни тутиб, Яратганинг улуғ неъмати бўлган тоза ҳаводан нафас олиб, осмонга термулиб мулоҳазалар қилишинг атрофингдаги инсонларнинг юриш-туриши, нима билан банд экани, уларнинг ҳаёти нималардан иборат экани каби нарсалар ҳақида ўилашингдан минг бор афзал. Инсон шуни ҳис этар экан, юрган йўлида ҳар куни эмас, ҳар сонияси буюк неъмат эканини чуқурроқ тушуваверади. Яратган

Зотни таниб, Унинг маҳлуқотлари учун яратилган қонун-қоидаларни ўрганиб борар экансан, ҳар бирининг замирида қанчалар катта ҳикмат, илм, барака борлигини тушуниш нақадар улуғ баҳт! Атрофда бўлаётган ишларга шунчаки қарамасдан, ҳар биридан ҳикмат излашинг инсонларнинг қалбини тушунишингда енгиллик яратади. Бундай ишларни катталарга нисбатан болалар яхши уддайлар, тез англаб етадилар. Сабаби, улар ҳар бир қўрадиган нарсасига, қиласидиган ишига ақл ва онг билан эмас, бутун борлиғи, қалби билан боғланадилар.

Биз, катталар кўпинча болаларга боловча қараб, уларнинг беғубор, самимий қалбини кўра олмаймиз. Айнан шу каби манзаранинг гувоҳи бўлганим ўзимга-ўзим саволлар беришга мажбур қилди: “Аслида ёш бола болами ёки биз, катталарми?” Зоомагазин дўконининг эшигига “Кучук болалари сотилади” деган эълон осиб қўйилибди. Бундай эълонларга биринчи бўлиб кўпинча кичик болалар эътибор қиласидилар. Бир бола дўконга кириб, кучук болаларининг нархини сўради. Шунда сотувчи уларнинг нархини айтди. Болада сотувчи айтган пулнинг ўндан бир қисми ҳам йўқ эди.





Шунда у сотувчидан: "Ҳеч бўлмаса уларни бир кўрай", дея илтимос қилди. Сотувчи боланинг илтимосини рад этмади. У ёрдамчисига кучук болаларини олиб чиқишини айтди. Бирин-кетин бешта бир-биридан ширин кучук болалари сотувчининг ёрдамчиси орқасидан югуриб чиқишиди. Фақат бешинчи сиз зўрға-зўрға юриб келди. Болакайнинг кўзи дарров ўша кучукчага тушиб, сотувчидан сўради:

– Бу кучукчага нима бўлган?

Сотувчи бу кучукчанинг тос суяги билан сон суягининг туташган жойи қийшайганини ва у энди бутун умр шундай оқсоқланиб, судралиб юришини тушунтирди. Шунда бола:

– Мен айнан шу кучукчани сотиб олмоқчиман. Аммо менинг пулим бироз камроқ, – деди.

Сотувчи ҳайратланиб деди:

– Уни нима қиласан? Майли, агар сенга шу ёқсан бўлса, пулинг керакмас, шундай олиб кетавер. Барибир бу чўлоқ кучукчанинг ҳеч кимга кераги йўқ...

Бола ғазабланиб, сотувчининг кўзига қаради ва:

– Бу кучукчанинг бошқа кучукчалардан

кам жойи йўқ. Бошқалари неча пул турса, ўшанча тўлайман. Фақат ҳозирча қўлимдаги бор пулимни бераман, қолганини ҳар ойда бўлиб-бўлиб бериб қарзимни узаман, – деди.

Болакайнинг дағдағаси сотувчини бир оз эсанкиратиб қўйди. Унга мулоимлик билан яна тушунтира бошлади:

– Бу кучукчани олма, у ҳеч қачон сен билан бирга югуриб, сакраб ўйнай олмайди. Сен эса у билан ўйнашни, югуришни хоҳлайсан. Тўғрими? Унинг ҳеч кимга фойдаси йўқ...

Сотувчининг бу гаплари болакайга баттар ёқмади. У шартта шимининг почасини кўтариб, сотувчига оёғини кўрсатди. Сотувчи унинг оёғи ўрнида ясама темир оёқ борлигини кўрди-ю, ортиқча бирор сўз айтишга журъат топа олмади.

– Мен ҳам тез югурга олмайман. Бу кучукча менга ўхшаган уни тушунадиган, меҳрибон одамга муҳтож!

Бола шундай дея, чўнтағидан пул чиқариб, сотувчига узатди. Сўнг кучукчани даст кўтариб, бағрига босди. Сотувчи эса лом-мим дея олмай, унинг ортидан жимгина кузатиб қолди.

Мадина ДЖУРАЕВА



# АМАЛЛАРИМИЗДАН ҚУСУРЛАРИМИЗ КҮП

Поездда Тошкентга йўл олдим. Сафарим давомида Ага исмли турист аёл менга ҳамсухбат бўлди. Унинг она юртим ҳақидаги илиқ таассуротлари кўнглимни тоғдек кўтарди. Қалбим сурурга тўлди. Аммо... Унинг юртдошларимиз ҳақида айтган айрим фикрлари, қарашлари мени жуда ўйлантириб қўйди. Ҳатто дилим қаттиқ оғриди.

Йўл-йўлакай Ага хоним ўзини қизиқтирган саволларни берарди:

– Сизларда қизлар отонаси танлаб берган инсонга турмушга чиқар экан-а? Қандай қилиб бунаقا бўлиши мумкин?

– Бу сиз ўйлагандек, мажбураш эмас. Бунинг маъноси шуки, ота-онаси томонидан танланган ёшлилар учрашиб кўриб, бирбирини ёқтиrsa, катталар ҳам ўзаро келишиб, маслаҳатлашиб иш тутишади. Ёш қиз ўзига муносиб инсонни мустақил танлашда қийналиши мумкин, шунинг учун яқинлари унга бу масалада

ёрдам беришади. Динимизда қиз болани мажбурлаш йўқ, дейилган. Ўзига ёқмаган инсонга турмушга чиқмаслик ҳуқуқига эга, – дея унинг саволига шошиб жавоб бердим.

– Бир келин билан сухбатлашиб қолдим. Унинг эри ҳомиладор пайтида ҳам роса урап экан. Ахир у аёл-ку! Лекин у ҳеч кимга мурожаат қилмас экан. Тинмай калтаклайдиган эр билан қандай қилиб чидашиб мумкин?!

– Бизнинг урф-одатларга кўра, оиласда келишмовчилик чиқса, ҳар икки томоннинг яқинларидан бир вакил қелиб, гаплашиб, ҳал қилишга ҳаракат қилинади. Аёл-қизларнинг отаси, акаукалари бундай вазиятларда муаммони ҳал қилиш бўйича масъул, – дедим юзларим қизариб.

– Бир келин иккита қиз туққани учун эри у билан ажрашмоқчи эканини эшишиб қолдим. Оиласда қиз бола туғилишини эркаклар унча хушламас экан. Бунда

келиннинг нима айби бор?

Мен динимизда қиз фарзандни дунёга келтирган, уни тарбиялаб, улғайтирган инсонлар кўплаб ажр-савобларга эришишини айтдим. Қиз фарзандни ёқтиримаслик Ислом дини келмасидан олдинги жоҳилият давридаги инсонларга хослиги ҳақида гапириб бердим...

Ага хоним мени мароқ билан эшитди. Сўзларимни тингларкан, менга ҳайрон боқиб, шундай сўз айтдики... жуда мулзам бўлдим.

– Демак, сизларда айрим инсонлар динини яхши билмас ва амал қилишга жидду жаҳд қилишмас экан...

Ҳали амалларимиздан кўра қусурларимиз кўплигидан уялиб кетдим.

Адиба





## Пайғамбарлар гуноҳ қилишганми?

Мұхтарам ҳазрат, менинг ўқиганларим түғри бўлса, Пайғамбаримиз Мұҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан бирорта гуноҳ амал содир бўлмаган экан. Ушбуни ўқиганимдан кейин мени бир савол ўйлантириб қўйди. Тарихда яшаб ўтган (янгишишмасам) 120 минг расул ва набийлар ҳам гуноҳсиз яшашганми? Уларнинг ҳаммаси жаңнатийми? Шу ҳақида бирор маълумот борми?

Шайх Мұҳаммад Содиқ Мұҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ:

**Пайғамбарлар маъсумлар.**

Пайғамбар алайҳиссаломларнинг оддий кишилардан ажраб турадиган бирдан бир сифатлари маъсумликлариидир. Яъни, маъсият қилиш, шаҳватларга берилиш, мурувватга футур етказадиган ва инсонлик қадрини кетказадиган нарслардан четда бўлишлариидир.

Пайғамбар алайҳиссаломлар одамларнинг энг гўзал ахлоқлilари, энг пок амал қиладиганлари, энг юраги тозалари ва тасаррufotлари энг тўғрилариидирлар.

Пайғамбар алайҳиссаломларнинг маъсумликлари «исмат» тушунчаси асосидайдир.

«Исмат» сўзи луғатда «ман қилиш» - «сақлаш» маъносини англатади.

«Исмат»нинг шаръий маъноси эса «Аллоҳ таолонинг Ўз Пайғамбар ва набийларини гуноҳ ва маъсият ҳамда мункар ва ҳаром ишларни қилишдан сақлашидир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарларини хулқий ва жасадий айблардан ҳамда бошқалар нафрат қиладиган касалликлардан ҳам асрагандир.

Чунки Аллоҳ таоло одамларни у зотларга эргашишга, иқтидо қилишга ва уларнинг йўлидан юришга амр қилгандир. Пайғамбар алайҳиссаломлар барча башарга яхши ўрнақдирлар. Агар улардан маъсият ва мункар ишлар содир бўлиши жоиз бўлса ёки мазкур нуқсонлардан бирортаси мавжуд бўлса, у нарсалар шариатда бор нарсаларга айланиб қолади. Бу эса мутлақо мумкин эмасдир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Ўз пайғамбарларини маъсум қилгандир. Аллоҳ таоло барча пайғамбарларни Ўзининг доимий инояти илиа ўрагандир. У Зот Пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилиб: «Бас, Роббинг ҳукмига сабр қил. Албатта, сен кўз ўнгимиздасан», деган (Тур сураси, 48-оят).

Афсуски, бошқа динларда пайғамбар алайҳиссаломларга турли гуноҳларни қилганлик нисбатлари берилади.

## Мавлид

*Ассалому алайкум! Аёл киши узрли ҳолатида ҳам мавлид ўқиса бўладими?*

**Одинахон Муҳаммад Содик:**

Ва алайкум ассалом!  
Жоиз. Валлоҳу аълам!

## Мавлид ўқитиш ҳақида

*Ассалому алайкум, устоза Одинахон она! Илоҳум, Аллоҳнинг йози сизга қувват ато этсин. Мавлидни албаттга отинойиларни чақириб ўқитиш керакми ёки ўзимиз ўқисак ҳам бўладими? Илтимос, шу ҳақида батрафсил маълумот берсангиз. Олдиндан раҳмат.*

**Одинахон Муҳаммад Содик:**

Ва алайкум ассалом. Мавлид маросимидан асосий мақсад Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг

шахсиятлари, суннатлари ва ҳаётлари билан яқиндан танишиш, эсга олишдир. Қисқа қилиб айтганда, шу маросимдан мўмин ўзига фойда олишидир. Салавот айтиб Аллоҳнинг раҳматига ноил бўлиш. Буни отинойисиз амалга ошириш имкони бўлса, уни чақирмай ҳам ўтказилаверади. Акс ҳолда, билимли, ишончли муаллималаримиз билан ўтказилгани афзал. Валлоҳу аълам.

## Салавот ҳақида

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳ умрингизни баракотли қилсан. Устозимиз Ҳазратнинг жаннат-*

даги мақомларини Аллоҳ юқори қилиб берсин. Савол: «Тола ал бадру аълайна» салавоти Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларида айтилганми? Бу салавот қаерда айтилган?

**Одинахон Муҳаммад Содик:**

Бисмиллаҳир роҳманир Роҳийм.

Байҳақий Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилишича, ушбу нашийдни Ансорий аёллар ва уларнинг болалари айтишган. Бу нашийд Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Макқадан Мадинага муҳожир бўлиб киришлари, ансорлар ҳузурига келишлари ва уларнинг орасидан манзил тутиб яшашлари муносабати билан ўша даврда айтилган. Мана шу гап сийрат уламолари орасида ҳам машҳурдир. Лекин унинг сўзлари ҳақида баъзи ихтилофлар бор. Валлоҳу аълам.



# Хейс – творогли хурмо

*Пайғамбаримиз алайҳиссалом тановул қилган таом*

Хейс – бу ёғли творог билан хурмони аралаштириб тайёрланадиган таомдир.

Хозирги кунда бу таомнинг бир нечта замонавий кўринишлари мавжуд бўлиб, сизларни улардан бирининг тайёрланиш усули билан таништирмоқчимиз.

## Керакли маҳсулотлар:

2 стакан толқон;  
1/3 стакан бодом;  
1/3стакан писта;  
450гр хурмо (финик);  
8-10 қошиқ сариёғ;  
Таъба кўра кунжут қўшиш мумкин.

## Тайёрлаш усули:

Толқон (қуритилган ноннинг майдабўлакларини ҳам ишлатиш мумкин), бодом ва пистани кофе майдалагичда майдалаб оламиз. Хурмоларни ҳам майдалаб тўғраймиз ёки қиймалагич ёрдамида майдалаб оламиз. Майдаланган маҳсулотларимизга сариёғ қўшиб, аралаштирамиз. Сўнг улардан думалоқ шарикчалар ясад (жуда ёғли бўлиб кетмаслиги керак), ҳар биттасини шакарга ботириб оламиз. Ликопчаларга солиб, дастурхонга тортамиз.

